

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ

УСТАВИ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг II-Курултойида қабул қилинган, 1995 йил 21 январь.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг III-Курултойида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 1999 йил 25 ноябрь.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг IV-Курултойида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 2005 йил 15 март.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг V-Курултойида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 2010 йил 5 август.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг II-мажлисида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 2011 йил 1 июль.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг навбатдан ташқари VI-Курултойида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, 2014 йил 13 февраль.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси (кейинги ўринда-касаба уюшмаси) фаолияти бўйича ишлаб чиқариш, давлат ва мулк шаклидан катъий назар жамоат хизмати ташкилотлари ходимларини, шунингдек, тармок тизимидаги ўқув юртлари талаба, ўқувчиларини ижтимоий, иктисодий ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади.

1.2. Касаба уюшмаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Меҳнат муҳофазаси тўғрисида”ги қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенциялар, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Устави, шунингдек, мазкур Уставга амал қилади.

1.3. Касаба уюшмаси ўз фаолиятида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди (қонунларда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

1.4. Касаба уюшмаси ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ аъзолари манфаатларини ифода этишда маъмурий (қонунчилик), суд ҳокимияти органлари, иш берувчилар бирлашмалари, бошқа жамоат бирлашмалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишган ҳолда, хорижий давлатларнинг турдош касаба уюшмалари ва бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади.

1.5. Касаба уюшмаси юридик шахс ҳисобланади. Ўз муҳри, штамплари, расмий хизмат хатлари, ҳисоб рақамлари ҳамда солиқ органларида солиқ тўловчи идентификация рақамига эга бўладилар. Ўз номидан битимлар, шартномалар тузиши, шунингдек, судда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин.

1.6. Мазкур Устав қоидаларининг талқинини бериш фақат касаба уюшмаси Республика Кенгашининг, унинг Мажлислари оралиғида эса касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг ҳуқуқи ҳисобланади. Устав қоидаларининг талқини масаласи юзасидан келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳолда Уставнинг давлат тилидаги матни устун ҳисобланади.

1.7. Касаба уюшмасининг расмий номи:

Ўзбек тилида тўлик – ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ;

лотин ёзувида O'ZBEKISTON DAVLAT MUASSASALARI VA JAMOAT XIZMATI XODIMLARI KASABA UYUSHMASI;

рус тилида тўлик – ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ СОЮЗ РАБОТНИКОВ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ И ОБЩЕСТВЕННОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА;

инглиз тилида тўлик – THE TRADE UNION OF WORKERS OF STATE INSTITUTIONS AND PUBLIC SERVICES OF UZBEKISTAN.

1.8. Касаба уюшмаси Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида тузилмавий бўлинмаларига эга.

Касаба уюшмасининг раҳбар органи-Республика Кенгаши жойлашган ери (почта манзили):

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24 уй.
100165.

II. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Касаба уюшмасининг асосий мақсади бандлик, меҳнат муносабатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, адолатли меҳнат шароити яратилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий кафолатларга риоя қилиш масаларида ходимларнинг яқка ёки жамоавий ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ифода этиш ва ҳимоя қилишдан иборат.

2.2. Ушбу мақсадларга эришиш учун барча даражадаги касаба уюшмаси ташкилотлари ўзларининг сайлаб қўйиладиган органлари орқали:

- Касаба уюшмаси миллати, жинси, ёши ва диний эътиқодидан қатъий назар касаба уюшмаси аъзосининг меҳнат қилиш, ишни, касбни эркин танлашга доир конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига ёрдам беради.

- касаба уюшмаси аъзоларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тармокдаги ташкилотларда, иш берувчилар бирлашмаларида қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади ҳамда ҳимоя қилади;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, иш берувчилар билан музокаралар олиб боради, улар билан келишув ва жамоа шартномалари тузади;

- ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси учун меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишига, ижтимоий кафолатлар даражаси кўтарилишига, меҳнатга адолатли ҳақ тўланишига интилади;

- касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига боғлиқ бўлган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ўрганади, юқори касаба уюшмаси органларига, тегишли вазирликлар, идоралар ва муассасаларга таклифлар киритади;

- иш берувчилар ва мансабдор шахслар томонидан меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрларига риоя қилиниши, иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказиш, ижтимоий суғурта маблағларидан фойдаланиш, касаба уюшмаси аъзоларига меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш устидан жамоатчилик назоратини олиб боради;

- касаба уюшмаси аъзоларининг маънавий-маърифий, ғоявий-мафкурафий дунёкарашини кенгайтириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, буш вақтларини мазмунли ташкил этиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, терроризм ва диний ақидапарастликка нафрат уйғотиш, миллатлараро биродарлик, ватанпарварлик тамойилларини кучайтириш, Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятидаги обрўсини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни олиб боради, бу йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик қилади;

- касаба уюшмаси аъзоларининг соғлигини мустаҳкамлаш борасида ғамхўрлик қилади, спорт-соғломлаштириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг санаторий ва оромгоҳларда даволаниши ва дам олишларига қўмаклашади;

- касаба уюшмаси аъзолари ва касаба уюшмаси ташкилотларига бепул ҳуқуқий маслаҳат ва услубий ёрдам беради, муҳтож ходимларга имкон даражасида моддий ёрдам кўрсатади, суд органларида уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

- касаба уюшмаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз Устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин;

- касаба уюшмаси қайд этилган вазифаларни амалга оширишда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

III. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Касаба уюшмаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;
- оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- Уставада белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;
- ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.2. Касаба уюшмасининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- қонун ҳужжатларига риоя этиш;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;
- касаба уюшмасини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;
- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

IV. КАСАБА УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Касаба уюшмасига аъзолик ихтиёрий ҳисобланади.

Касаба уюшмасига аъзо бўлиб кириш истагини билдирган, ушбу Уставни тан олувчи ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўловчи 18 ёшга тўлган, давлат муассасалари ва жамоат хизмати тизимига кирувчи корхона, муассаса ва ташкилотларда ишловчи ҳар бир фуқаро ёки ўқув муассасаларида ўқийдиган 16 ёшга тўлган ўқувчи ва талабалар касаба уюш-

маси аъзоси бўлиши мумкин. Касаба уюшмасига қабул қилиш яқка тартибда касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотлари томонидан, ёзма ариза асосида амалга оширилади. Касаба уюшмаси аъзосига белгиланган намунадаги касаба уюшмасига аъзолик билети берилади.

4.2. Касаба уюшмаси аъзолари иш ва ўқиш жойларидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилотидан ҳисобда турадилар.

4.3. Касаба уюшмаси аъзоларининг ҳисоби касаба уюшмаси органлари томонидан олиб борилади.

4.4. **Касаба уюшмасига аъзоликни қуйидагилар сақлаб қоладилар:**

- болани, касал ва ногиронларни парвариш қилиш сабабли вақтинча иш фаолиятини тўхтатган касаба уюшмаси аъзолари;

- саломатлиги ёмонлашганлиги ёки ёши етганлиги сабабли пенсияга чиқиб, меҳнат фаолиятини тўхтатган касаба уюшмаси аъзолари (касаба уюшмаси билан алоқани узмаслик шарти билан);

- иш ўринлари (штат) сонининг қисқариши, қорхонанинг ёпилиши сабабли ишдан озод қилинган ходимлар – ишга жойлашганларига қадар;

- Республика ҳудудидан ташқарига ўқиш ва хизмат вазифаси билан боғлиқ вақтинча ишга кетганлар – қайтиш даврига қадар.

4.5. Қуролли кучлар сафидан хизматдан қайтганлар учун касаба уюшмасига аъзолик тикланади.

4.6. **Касаба уюшмаси аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- истаган касаба уюшмаси органига маслаҳат, ҳуқуқий ва моддий ёрдам, шунингдек, давлат, суд ва ҳужалик органларида ижтимоий-меҳнат ҳуқуқ ва қафолатларини жамоатчилик ҳимоясига олиниши юзасидан ёрдам олиш бўйича муурожаат қилиш;

- касаба уюшмаси фаолиятида иштирок этиб, қарорларни ишлаб чиқиш, муҳокама ва қабул қилишда, уларни бажариш, касаба уюшмаси органлари ишлари юзасидан назоратни амалга оширишда қатнашиш;

- касаба уюшмаси ташкилоти ва касаба уюшмаси органларининг фаолияти тўғрисида маълумот олиш;

- касаба уюшмаси раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

- касаба уюшмаси йиғилишларида, шунингдек, унинг масаласи кўрилатётган вақтда касаба уюшмаси органларининг мажлисларида қатнашиш;

- эркин равишда муҳокама, танқид қилиш, таклифлар киритиб, ўз фикрини ёқлаш;

- касаба уюшмаси раҳбар органлари томонидан белгиланган тартибда маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантирилиш;

- шахсий аризасига кўра касаба уюшмасидан эркин чиқиб кетиш;

- санаторийлар, санаторий-профилакторийлар, дам олиш масканлари, болалар дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларига белгиланган тартибда имтиёзли йўлланмалар сотиб олиш.

4.7. Касаба уюшмаси аъзосининг мажбуриятлари:

- касаба уюшмаси Уставига риоя қилиш, касаба уюшмаси раҳбар органлари ва ташкилотларининг тегишли қарори ва топшириklarини бажариш, Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

- ҳар ойда белгиланган тартиб ва миқдорда аъзолик бадалларини тўлаш;

- жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларининг шартларини бажаришга қўмаклашиш;

- касаба уюшмаси раҳбар органлари томонидан қабул қилинган қарорларни оғишмай бажариш ва амалга оширилишига қўмаклашиш, меҳнат ва касб интизомини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш;

- касаба уюшмаси ва касаба уюшмаси ташкилотининг бўйсини мустаҳкамлашда қўмаклашиш, касаба уюшмасига зарар етказадиган ҳаракатларга йўл қўймаслик.

Касаба уюшмасига аъзолик бадалларини олти ойдан ортиқ вақт тўламаган касаба уюшмаси аъзоси касаба уюшмасидан чиқарилган, деб ҳисобланади.

4.8. Уставдаги мажбуриятларини бажармаган касаба уюшмаси аъзосига нисбатан қуйидаги жамоатчилик таъсир чоралари қўлланилади: танбех ва охириги чора сифатида – касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш.

Касаба уюшмаси аъзосига жамоат таъсири чораларини қўллаш масаласи унинг иштирокида, узрли сабабларсиз келмаган ҳолларда эса унинг иштирокисиз бошланғич ташкилот йиғилишида ёки унинг сайлаб қўйиладиган касаба уюшмаси органи мажлисида, шунингдек, юқори касаба уюшмалари органларининг ташаббуси билан уларнинг мажлисларида, кейинчалик касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини қабул қилинган қарордан хабардор этган ҳолда, ҳал қилинади.

Қарор кворум мавжуд бўлган ҳолда, йиғилиш қатнашчилари, сайлаб қўйиладиган орган аъзоларининг кўпчилик овози билан, касаба уюшмасидан чиқариш ҳақидаги қарор - унинг учун камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Касаба уюшмаси кўмиталари ҳамда тафтиш комиссияларининг аъзоларини жавобгарликка тортиш масаласи бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг йиғилишида муҳокама қилинади ва уларга интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорлар йиғилиш иштирокчиларининг учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти касаба уюшмаси кўмитаси аъзосини касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариш ва касаба уюшмаси юқо-

ри органи таркибидан чакириб олиш тўғрисидаги қарор ҳақида қасаба уюшмаси аъзосига хабар қилади.

Қасаба уюшмаси аъзоси жамоатчилик чораси кўрилганлиги тўғрисидаги қарор устидан мазкур ҳужжатнинг олинган кундан эътиборан бир ой давомида юқори қасаба уюшмаси органига шикоят қилишга ҳақли.

Қасаба уюшмаси аъзосидан жамоат таъсири чорасини олиб ташлаш масаласи тегишли қасаба уюшмаси йигилиши ёки органи томонидан, қўлланилган кундан қаида уч ойдан сўнг кўриб чиқилади. Қасаба уюшмаси аъзосига чора қўлланилган кундан бошлаб, бир йил ўтгандан сўнг интизомий жазо чораси йўқ, деб ҳисобланади.

Қасаба уюшмаси аъзолигидан чиқарилган шахс умумий асослар бўйича қаида 1 йилдан сўнг қайтадан аъзоликка қабул қилиниши мумкин.

Юқори қасаба уюшмаси органи ўзининг ташаббуси билан бу ҳақда у ҳисобда турган қасаба уюшмаси ташкилотини хабардор қилиб, қасаба уюшмаси аъзосига муқофотлаш ва жамоатчилик таъсир (қасаба уюшмаси аъзолигидан чиқаришдан ташқари) чораларини қўллаши мумкин.

Қасаба уюшмаси сафидан чиққан шахс қасаба уюшмаси томонидан ҳимояланиш, қасаба уюшмаси мулки ва воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотади. У тулаган аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

Қасаба уюшмаси аъзоси қасаба уюшмасига тегишли бўлган мулкда ўз улушига, мулкый ҳуқуққа эга бўлмайди.

V. ҚАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

5.1. Қасаба уюшмаси тузилмасига қуйидагилар қирадилар:

- қасаба уюшмаси гуруҳлари;
- цех қасаба уюшмаси ташкилотлари;
- бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотлари;
- бирлашган қасаба уюшмаси кўмиталари;
- туман, шаҳар Кенгашлари;
- қасаба уюшмаси Республика Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчилари;
- қасаба уюшмаси Республика Кенгаши;

5.2. Қасаба уюшмасининг ташкилий тузилиши Қурултойи томонидан тасдиқланади.

5.3. Қасаба уюшмасида олий органлар қуйидагилар ҳисобланади:

- бошланғич, цех қасаба уюшмаси ташкилотлари ва қасаба уюшмаси гуруҳлари учун – умумий йиғилиш (конференциялар);
- туман, шаҳар ва бирлашган ташкилотлари учун – конференциялар;
- қасаба уюшмаси учун – Қурултой.

5.4. Йиғилишлар, конференциялар, Курултойлар ўтказиш муддатлари ва саналари, конференциялар, Курултойларга вакиллик меъёрлари, шунингдек, вакилларни сайлаш тартиби тегишли касаба уюшмаси раҳбар органлари томонидан белгиланади.

5.5.Куйидагилар касаба уюшмасининг раҳбар органлари ҳисобланади:

- цех, бошланғич ва бирлашган касаба уюшмаси ташкилотларида – цех, бошланғич, бирлашган ташкилот касаба уюшмаси кўмиталари;
- туман, шаҳар касаба уюшмаси ташкилотларида – касаба уюшмаси Кенгаши, Кенгашлар Раёсатлари;
- касаба уюшмасида – касаба уюшмаси Республика Кенгаши, Кенгаш Раёсати.

5.6. Касаба уюшмаси органлари бевосита йиғилиш, конференция, Курултойларда сайланиши ёки конференция, Курултойга вакилларни сайлаш билан бир пайтда юқори орган тасдиқлаган меъёр бўйича унинг таркибига вакилларни сайлаш (чақириб олиш ёки алмаштириш ҳуқуқи билан) йўли билан шакллантирилиши мумкин.

5.7. Касаба уюшмаси тизимида сайловлар беш йилда бир марта ўтказилади ва куйидагилар 5 йил муддатга сайланади:

- касаба уюшмаси гуруҳларида – касаба уюшмасининг гуруҳ ташкилотчиси;
- 15 нафардан кам касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич ташкилотда - касаба уюшмаси ташкилотчиси, унинг ўринбосари ва газначи;
- 15 нафар ва ундан кўп касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган бошланғич ташкилотларда, шунингдек, цех касаба уюшмаси ташкилотида - касаба уюшмаси кўмитаси, цех кўмитаси;
- касаба уюшмасида – Республика Кенгаши, Кенгаш Раёсати;
- 15 нафардан кўп касаба уюшмаси аъзолари ва ўз мустақил бюджетига эга бўлган ташкилотларда тафтиш комиссияси сайланади. Уларнинг фаолияти касаба уюшмасининг Курултой томонидан тасдиқланадиган «Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг «Тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низом» асосида олиб борилади.

5.8. Касаба уюшмаси органларининг раҳбарларини сайлаш, овоз бериш шакли ва тартиби тегишли йиғилиш, конференция, Курултой томонидан белгиланади. Кворум бўлганда йиғилиш қатнашчилари, конференция ва Курултой делегатларининг ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган, деб ҳисобланади.

5.9. Касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органлари мажлислари аъзоларининг 2/3 қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5.10. Касаба уюшмаси ташкилоти йиғилиши, касаба уюшмаси органи мажлислари, конференциялар, Курултой қарорлари кворум етарли бўлганда уларнинг ишида иштирок этаётган йиғилиш қатнашчилари, касаба уюшмаси органи аъзолари, конференция, Курултой делегатларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қабул қилинган, деб ҳисобланади.

5.11. Бошланғич, бирлашган ташкилотларда мазкур касаба уюшмаси ташкилоти бирлаштирган касаба уюшмаси аъзоларининг, туман, шаҳар ташкилотларда эса – аъзо ташкилотларнинг камида учдан бир қисми талаби билан ёки юқори касаба уюшмаси органининг қарорига кўра касаба уюшмаси органи ёхуд унинг раҳбарининг муддатдан олдин сайлови ўтказилиши мумкин.

5.12. Курултойда сайланган Республика Кенгаши раиси ва Ўринбосари Курултой оралиғида, конференцияда сайланган туман, шаҳар Кенгашлари раисларини конференция оралиғида, зарур ҳолларда лавозимидан бўшатиш масаласи тегишли касаба уюшмаси Кенгаши Мажлисларида (Пленумларида) ҳал этилиши мумкин. Шу билан бир қаторда тегишли касаба уюшмаси Кенгаши аъзолари ичидан раис (унинг Ўринбосари) сайланади. Бунда Мажлисда (Пленумда) иштирок этаётган касаба уюшмаси Кенгаши аъзоларининг камида 2/3 қисми ёқлаб овоз берганда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

5.13. Йиғилиш, конференцияда сайланган касаба уюшмаси кўмиталари раислари, касаба уюшмаси ташкилотчилари, цех кўмиталари раислари, касаба уюшмаси гуруҳи ташкилотчилари ўз лавозимларидан йиғилиш, конференцияларда озод этиладилар. Мажлис қатнашчиларининг, конференция делегатларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганда қарор қабул қилинган ҳисобланади.

5.14. Касаба уюшмаси Республика, туман, шаҳар Кенгашлари, бирлашган кўмиталар Курултойлар ва конференциялар оралиғида раҳбар орган ҳисобланадилар, Курултой ва конференцияларда беш йил муддатга сайланадилар ва тегишлича Курултой ва конференцияларга ҳисоб берадилар.

Уларнинг Мажлислари (Пленумлари) заруриятга қараб, лекин бир йилда камида бир марта, бошланғич касаба уюшмаси кўмиталарининг мажлислари эса уч ойда камида бир марта чакирилади.

Республика, туман, шаҳар Кенгашлари ҳамда бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси Мажлислари тегишлича Кенгаш (кўмита) раёсати қарорлари билан ёки аъзоларининг камида учдан бир қисмининг ташаббуси ва юқори касаба уюшмаси Кенгаши раёсати қарори билан ўтказилиши мумкин.

Мажлис (Пленум) ишида тафтиш комиссияси аъзолари маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашишлари мумкин.

5.15. Касаба уюшмаси ва унинг қуйи ташкилотлари ўз фаолиятларида қуйидаги демократик тамойилларга таянади:

- касаба уюшмаси органларининг пастдан юқоригача сайлаб қўйи-лиши;

- барча ташкилотлар ва уларнинг сайланувчи органлари ишида кол-легиаллик ва қабул қилинган қарор ва касаба уюшмаси топширик-ларининг бажарилишига шахсий масъулияти;

- касаба уюшмаси ички интизомига риоя қилиш ва озчиликни қўпчи-ликка бўйсиниши;

- муҳокама қилишда эркин мунозара, юқори касаба уюшмаси орган-лари қарорларининг қуйи ташкилотлар томонидан бажарилишининг маж-бурийлиги;

- сайланма касаба уюшмаси органлари ва раҳбарларининг ўз касаба уюшмаси ташкилотлари ва юқори касаба уюшмаси органлари олдида ҳисобот бериб туриши;

5.16. Барча бўғиндаги касаба уюшмаси органлари ўз ишларини режа асосида амалга оширадилар, йиғилиш, конференция, Қурултой ва касаба уюшмаси органлари мажлислари ва юқори касаба уюшмаси ташки-лотларининг қарорлари бажарилишини таъминлайдилар, касаба уюшмаси кадрлари ва фаолларини ўқитишни ташкил этадилар.

VI. БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТЛАРИ

6.1. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ишлаб чиқариш, тармок ёки касб-кор принципи бўйича, мулк шакли ва кимга бўйсунушидан қатъий назар, юридик шахс бўлган ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда ка-саба уюшмаси аъзолари 5 кишидан кам бўлмаган тақдирда тузилади.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотини тузиш ва юқори ташкилотга кириш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилишида (конференциясида) қабул қилинади ва бу тўғрисида ўн кунлик муддатда юқори касаба уюшмаси органига ҳабар берилади. Худудий ташкилотнинг сайланма органи бош-ланғич ташкилотни касаба уюшмаси хизматига олиш тўғрисида қарор қа-бул қилади. Бошланғич ташкилотнинг касаба уюшмаси қўмитаси корхона, ташкилот, муассаса ўз мулк шаклини ўзгартирган тақдирда, шу корхона, ташкилотда фаолият юритган касаба уюшмаси қўмитасининг ҳуқуқий во-риси ҳисобланиб, ўз ҳуқуқий мақомини сақлаб ҳаракат қилаверади.

6.2. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ичида касаба уюшмаси қў-митасининг қарори билан бўлим ва цехлар бўйича цех касаба уюшмаси ташкилоти ёки касаба уюшмаси гуруҳлари тузилиши, унга касаба уюш-маси қўмитаси ўз ваколатига қирадиган ҳуқуқларни беришлари, ўз

комиссияларини тузишлари ва уларнинг ваколатларини белгилашлари мумкин.

6.3. Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси) ташкилотнинг асосий фаолият йўналишларини белгилаш, бошланғич ташкилотларнинг ихтиёрида қолдириладиган аъзолик бадаллари бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш ва харажат қилиш, раҳбар органларни сайлаш, касаба уюшмаси вилоят, туман, шаҳар ташкилотлари раҳбар органларига ўз номзодларини тўғридан-тўғри кўрсатиш ва тавсия қилиш масалаларини ҳал қилади.

6.4. Бошланғич ташкилотнинг умумий йиғилиши ёки конференцияси бошланғич ташкилотнинг олий органи ҳисобланади. Бошланғич, цех касаба уюшмаси ташкилотлари йиғилишлари заруратга қараб, лекин йилда камда бир марта ўтказилади. Касаба уюшмаси ташкилотининг умумий йиғилишини чақириш имконияти бўлмаган бошланғич ташкилотларда конференция, таркибий бўлинмаларида эса смена бўйича йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

6.5. **Бошланғич ташкилотнинг сайланма органи ўз ваколатлари доирасида:**

- корхона, ташкилотни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қарорларни ишлаб чиқишда қатнашади, унумли меҳнат қилиш учун нормал иш шароитлари яратишда иштирок этади, ишлаб чиқариш, меҳнат, маиший хизмат, маданият, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда соғломлаштириш соҳаларида касаба уюшмаси аъзоларининг манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади;

- меҳнат жамоаси, бошқа жамоат ташкилотлари сайланувчи органлари билан мустаҳкам алоқада ишлайди;

- корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти билан меҳнат жамоаси номидан умумий йиғилиш (конференция) томонидан маъқулланган жамоа шартномасини тузади, уни бажарилиши устидан назорат ўрнатади, доимий равишда жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)да маъмурият вакили билан бирга ҳисобот бериб боради;

- ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи, меҳнат муҳофазаси техника хавфсизлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоида ва меъёрларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ёки касб касалликлари туфайли ходимларга, боқувчисини йўқотган шахсларга етказилган зарарни ўз вақтида ва тўғри тўланишини назорат қилади;

- касаба уюшмаси йиғилиши, конференциялари, Қурултойларининг, юқори касаба уюшмаси органларининг қарорларини бажарилишини ташкил этади, касаба уюшмаси аъзоларининг танкидий фикрларини бартараф

килиш чораларини кўради, уларни бажарилганлиги тўғрисида касаба уюшмаси ташкилотига ахборот беради;

- касаба уюшмаси кўмитаси ўз ишида касаба уюшмаси йиғилиши, конференция ва юқори касаба уюшмаси органига бўйсинади ва ҳисобот беради;

- касаба уюшмаси кўмитаси жорий ишларни олиб бориш учун ўзининг айрим ҳуқуқ ва ваколатларини унинг раисига бериши мумкин.

Республика Кенгаши, конференция, Курултой томонидан сайланган сайланма орган аъзолари у билан алоқаларини йўқотган тақдирда мазкур органнинг Мажлиси (Пленуми) томонидан аъзоликдан чиқарилади.

Таркибига тўғридан-тўғри номзоди кўрсатилган касаба уюшмаси органининг аъзолари шу ташкилот таркибидан касаба уюшмаси кўмитасининг ёки йиғилиш, конференциясининг қарорига асосан чақириб олиниши ва ўзгартирилиши мумкин.

VII. БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАЛАРИ

7.1. Ўзига хос касбий манфаатларини тулик ифодалаш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва уларнинг таркибий бўлинмаларида ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳамда муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг ҳудудий тарқоқлигини ҳисобга олиб, бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари тузилиши мумкин.

Уларни тузиш ҳақидаги қарор касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати томонидан қабул қилинади.

7.2. Бирлашган касаба уюшмаси қўмиталарининг ваколатлари ва вазифалари Республика Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланадиган тегишли Низом билан белгиланади.

VIII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ

8.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан белгиланган тартибда, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати қарори билан касаба уюшмасининг туман, шаҳар Кенгашлари (кейинги ўринларда “ҳудудий Кенгашлар” деб юритилади) ташкил этилади. Ушбу Кенгашларни шакллантириш касаба уюшмасининг туман, шаҳар ташкилотлари таъсис конференцияларида амалга оширилади.

Ҳудудий Кенгашлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, касаба уюшмаси Устави, юқори касаба уюшмаси органлари қарорларига амал қилади.

8.2. Худудий Кенгашларни маблағ билан таъминлаш тартиби, тизими ва штатини Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати билан келишган ҳолда Республика Кенгаши Раёсати белгилайди.

8.3. Худудий Кенгашлар:

- қасаба уюшмаси Қурултойи, тегишли туман, шаҳар ташкилотлари конференциялари, Республика Кенгаши ва унинг Раёсати қарорлари ва топшириқларининг бажарилишини таъминлайди;

- худудда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқиш чоғида хўжалик бошқарув органлари ишида иштирок этади;

- Ўз ишини бошланғич қасаба уюшмаси ташкилотлари олдида турган мақсад, вазифаларни ҳисобга олиб ва мазкур Уставга, конференция, Қурултой қарорларига ҳамда Қонунларга амал қилган ҳолда олиб боради:

- хўжалик бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қасаба уюшмаси аъзоларининг манфаатларини ифода этади;

- меҳнатқашларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этишда катнашади;

- ижтимоий суғурта бюджетининг бажарилишини ва йўлланмалардан мақсадли фойдаланиш масалаларида худудий бирлашма кенгашларига қўмаклашади;

- конференциялар оралигида юқори қасаба уюшмасининг раёсат ёки Кенгаш аъзолигидан чиқарилган ёки чақириб олинган аъзолар ўрнига вакиллар номзодини йўллайди;

- зарур ҳолларда Кенгаш раисини лавозимига сайлайди, лавозимидан озод этади;

- туман, шаҳар ташкилот конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади, конференцияни ўтказиш куни, вақти ва жойи, кун тартиби, конференцияга вакиллар меъёри ва уларни сайлаш тартибининг белгилайди;

- туман, шаҳар Кенгашлар Мажлислари (Пленумлари) оралигида жорий масалаларни ҳал қилиш учун Раёсат аъзоларини сайлайди. Раёсатга қасаба уюшмаси худудий Кенгашининг раиси раҳбарлик қилади;

- ўз фаолияти тўғрисида қасаба уюшмаси аъзоларига, туман, шаҳар ташкилот конференциясига ва қасаба уюшмаси Республика Кенгашига ҳисобот беради.

Уларнинг фаолияти қасаба уюшмаси Республика Кенгашининг қарори билан тасдиқланган “Тармок қасаба уюшмасининг туман, шаҳар Кенгашлари тўғрисидаги Низом”и асосида олиб борилади.

IX. КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНING ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА МАСЪУЛ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

9.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ, касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг қарори билан касаба уюшмаси тизимида Республика Кенгашининг маъсул ташкилотчилари лавозимлари (кейинги ўринларда “масъул ташкилотчилар” деб юритилади) жорий этилади.

Масъул ташкилотчилар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланган тегишли намунавий Низом асосида фаолият олиб боради.

9.2. Касаба уюшмалари фаолиятига доир айрим масалаларни коллегиялик асосида ҳал этиш учун касаба уюшмаси тизимида, масъул ташкилотчилар лавозимлари жорий этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жамоатчилик асосида раислар Кенгашлари тузилиши мумкин. Бунда ҳудуд бўйича масъул ташкилотчи Раислар кенгашининг раиси этиб белгиланади.

Жамоатчилик асосидаги раислар Кенгашларини шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари ва вазифалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланган тегишли намунавий Низом билан белгиланади.

X. РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМАСИ

10.1. Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмасининг олий органи Курултой ҳисобланади ва у беш йилда камида бир марта ўтказилади.

10.2. Касаба уюшмасининг навбатдан ташқари Курултойлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг қарорига ёки аъзо ташкилотларнинг 1/3 қисмининг талабига мувофиқ ўтказилади.

10.3. Касаба уюшмасининг Курултойи:

- Республика Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиши ва муҳокама қилади, касаба уюшмасининг Уставини қабул қилади унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритади ҳамда тасдиқлайди, тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низомни, қабул қилади, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

- касаба уюшмасининг истикболга асосий фаолият йўналишларини белгилайди;

- Республика Кенгаши аъзоларини сайлайди, шунингдек, белгиланган меъёр асосида тўғридан-тўғри Республика Кенгаши аъзолигига сайланганларнинг ваколатларини тасдиқлайди;

- тафтиш комиссияси ва унинг раисини сайлайди;

- Республика Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарини сайлайди;

- Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Қурултойига делегатлар сайлайди, шунингдек, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига вакилларни сайлайди;

- қасаба уюшмасини ташкил қилиш ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Қурултойлар оралиғидаги даврда қасаба уюшмасининг фаолиятига беш йил муддатга сайланадиган қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарлик қилади.

Қурултой томонидан Республика Кенгашига қасаба уюшмасининг Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳамда тасдиқлаш, шунингдек қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раис ўринбосарини, зарур ҳолларда раисини сайлаш ва лавозимидан озод қилиш ваколати берилади.

10.4. Қасаба уюшмаси Республика Кенгаши:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош Келишувга асосланган ҳолда тегишли вазирликлар, Давлат қўмиталари, Банклар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тармок (тариф) келишувини тузишга эришади;

- Республика Кенгашининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчиларига тармок келишуви етказилишини таъминлайди, қорхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномалари тармок келишувларига мослаштирилишини ва ижроси таҳлилини олиб боради;

- ўз фаолияти тўғрисида қасаба уюшмаси аъзолари, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини хабардор қилиб боради;

- Қурултойлар оралиғида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши таркибига Республика Кенгаши вакилларини қўрсатиш ва уларни қақриб олиш тўғрисида қарор қабул қилади;

- қасаба уюшмаси Республика Кенгашининг Раёсатини сайлайди, Республика Кенгашига янгидан вақил этилганларнинг ваколатларини тасдиқлаш, шунингдек, Республика Кенгаши аъзоларини сайлаш ва кооптация қилиш ҳуқуқига эга;

- Ўзбекистоннинг бошқа тармок қасаба уюшмалари билан алоқа қилишда қасаба уюшмаси номидан ҳаракат қилади, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан қелишган ҳолда, хорижий қасаба уюшмалари марказлари билан ҳамкорлик қилади;

- ўз ишида ихтиёрий ҳамкорлик, мулоқот ва тенг шерикчилик асосида давлат, жамоат ташкилотлари, маданият, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари билан алоқа қилади;

- меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашади, уларга ишлаб чиқаришда рияз қилинишини жамоатчилик асосида назорат қилади;

- қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳудудий қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари билан ҳамкорлик қилади;

- қасаба уюшмаси Республика Кенгаши раис ўринбосарини, зарур ҳолларда раисини сайлайди ва лавозимидан озод қилади. Кворум мавжуд бўлган ҳолда Республика Кенгаши аъзоларининг 2/3 қисми ёқлаб овоз берганда қарор қабул қилинган ҳисобланади;

- қасаба уюшмаси Қурултойини чақириш, Қурултойга вакиллик меъёри ва делегатларни сайлаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади;

- қасаба уюшмаси Қурултойи қарорларини бажарилганлиги тўғрисида ҳисобот беради;

- қасаба уюшмаси Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритади ҳамда тасдиқлайди;

- қасаба уюшмаси бюджетини бошқаради;

- “Кузатув кенгашлари” жорий этилган корхона ва ташкилотларда мазкур бошқарув органлари таркибига қасаба уюшмаси қўмитаси раисларини киритилиши масаласи тармоқ келишувларида акс эттирилиши юзасидан таклифлар билдиради;

- Республика Кенгашининг ҳудуд бўйича масъул ташкилотчилари маълумотлари асосида тармоқда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлашга оид ишларнинг аҳволини таҳлил қилиб боради;

- жамоа шартномларининг тармоқ макетларини ишлаб чиқади, тегишли Низомда тоифалари кўрсатилган тармоққа мансуб юридик шахсларнинг жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказида. Жамоа шартномалари бажарилиши бўйича статистик ҳисоботларни юритади;

- ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, яширин ишсизлик ҳолларини таҳлил қилиб боради ва тегишли чоралар кўради, ходимлар малакаси оширилишига қўмақлашади, касаначиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, корхоналарни қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши сабабли оммавий равишда ишдан озод этилаётган ходимларга моддий мадад чоралари қулланилиши устидан назорат олиб боради ва уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

- тармоқ микёсидаги ўртача иш ҳақи микдорини таҳлил қилади, ўз ваколатлари доирасида иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боради;

- тармокда давлат ижтимоий дастурлари бажарилишини таъминлаш, юкорирок ижтимоий муҳофазага муҳтож ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида иш олиб боради;
 - меҳнат ва меҳнат муҳофазаси, юридик масалаларда қуйи ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади ҳамда мазкур масалаларга оид қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан тармок бўйича жамоатчилик назоратини олиб боради;
 - ҳудудий бирлашмалар билан ҳамкорликда бошлангич ташкилотларда ўтказиладиган маданий-маърифий, спорт тадбирларини ташкил этишга қўмаклашади;
 - қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан республика бўйича ўтказиладиган тадбирларда тармок қасаба уюшмаси ташкилотлари қатнашини ташкиллаштиради;
 - қуйи қасаба уюшмаси органларига қасаба уюшмаси бюджети маблағларидан оқилона фойдаланишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатади, Республика Кенгашининг масъул ташкилотчилари, ҳудудий Кенгашлари билан ҳамкорликда қасаба уюшмасига аъзолик бадаллари тушуми тулиқлигини таъминлаш чораларини кўради;
 - тизимда қасаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини малақасини ошириш бўйича доимий ўқитиш ишларини ҳамда ўқув семинарларини ташкил этади;
 - қуйи ташкилотлар учун методик қўлланмаларни, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади, тайёрлайди ва жойларга етказилади;
 - тармок қасаба уюшмаси тизимидаги кадрлар таркибини таҳлил қилади, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини ташкил этади;
 - тармок тизимидаги қорхона ва ташкилотларнинг иш берувчилари томонидан ходимларнинг меҳнат муҳофазаси масалаларидаги қонуний ҳуқуқ ва қарорларни бузилишига олиб келувчи қарорлар қабул қилинганда, уларни бекор қилиш тўғрисида такдимномалар киритади;
 - тармокдаги меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланиши, қасб касалликлари аҳволини таҳлил этиб боради;
 - жойларга чиққан ҳолда қуйи қасаба уюшмаси ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатади;
 - Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати билан келишилган ҳолда қасаба уюшмаси ташкилий тузилмасини белгилайди;
 - қасаба уюшмаси Уставида белгиланган бошқа вазифаларни амалга оширади.
- Қасаба уюшмаси Республика Кенгашининг Мажлиси (Пленуми) заруратга қараб, лекин бир йилда камида бир марта чақирилади.

10.5. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Раёсати - доимий ҳаракатдаги сайланма коллегиял ижроия органидир.

Раёсат йиғилиши заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Раёсати ўз ваколатлари доирасида:

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши номидан иш кўради;
- касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Мажлиси (Пленуми), Курултойга муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ҳужжатлар тайёрлайди, ушбу қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ва назорат қилинишини ташкил қилади;
- Республика қонунчилиқ, ижроия, суд ҳокимияти органларида касаба уюшмаси аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига касаба уюшмаси аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар киритади, уларни қонунчилиқ ва меъёрий ҳужжатлар, келишув ва жамоа шартномалари орқали амалга оширилишига эришади;
- касаба уюшмаси аъзоларига шароитлар, меҳнатига ҳақ тўлаш ва меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда (қилишишда) иштирок этади;
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши номидан мулоқотлар олиб боради, вазирлик ва муассасалар билан давлат ва муниципал, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа ташкилотлар ходимлари учун меҳнат шароити, бандлик, ижтимоий қафолатлар мажбуриятлари, маданий, маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, ходимлар фарзандларини соғломлаштиришни ташкил этиш масалаларини ўзида ақс эттирувчи тармок келишувларини тузади, уларнинг бажарилишини назорат қилади;
- иш берувчилар ва мансабдор шахслар томонидан меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида ва бошқа ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, шунингдек, касаба уюшмаси аъзолари ишлайдиган ташкилотларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари бажарилишини назорат қилади;
- тармокда Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенциялари ижросининг жамоатчилиқ назоратини олиб боради;
- Ўзбекистон Республикасининг меъёрий ҳужжатлари ва қонунчилигига зид келадиган, касаба уюшмаси аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузувчи ҳаракатлар содир этилганда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, иш берувчи

ва уларнинг бирлашмаларига, ушбу ҳаракатларни бекор қилиш бўйича та-
лаблар қўяди;

- касаба уюшмаси номидан қонун ҳужжати, мазкур Устав, касаба уюш-
маси Қурултойи ва Республика Кенгаши қарорларида белгиланган меъёр-
лар доирасида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади;

- бирлашган касаба уюшмаси қўмиталари ва тармоқдаги бошқа бош-
лангич касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳисоботларини тинглайди;

- касаба уюшмаси органларига услубий, ташкилий, консултатив, ҳу-
қуқий ёрдамлар кўрсатади, касаба уюшмаси ходимларининг ўқишини
ташқил қилади, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириди, кадрлар за-
ҳираси бўйича иш олиб боради;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан унга берилган ва-
колатлар доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши
билан келишган ҳолда касаба уюшмаси мулкига эгаллик қилиш, ундан
фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилади;

- касаба уюшмасининг йиллик ҳисоботи ва бухгалтерия балансини тас-
диклайди;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппарати даромадлар ва ҳара-
жатлар сметаси, штатлар жадвалини Ўзбекистон касаба уюшмалари Феде-
рацияси Кенгаши Раёсати билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

- касаба уюшмаси туман (шаҳар) ташкилотларини ташқил қилиш, шу-
нингдек, уларни қайта тузиш ва фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қа-
бул қилади;

- йиллик статистик ҳисоботларни тасдиқлайди;

- касаба уюшмаси ташкилотлари тавсияларига мувофиқ касаба уюш-
маси ходимлари ва фаолларини муқофотлаш ва жазолаш тўғрисида қарор
қабул қилади;

- касаба уюшмаси ходимлари ва фаолларини қўқрак нишонлари билан
тақдирлаш, уларга фахрий унвонлар берилиши бўйича тавсияномалар бе-
ради;

- касаба уюшмаси рамзининг намунасини тасдиқлайди;

- ўз фаолияти тўғрисида Республика Кенгаши, аъзоларини хабардор
қилиб боради;

- касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Мажлисини (Пленумини)
чақиради, муддатни белгилайди ва кун тартиби бўйича таклифлар кирита-
ди;

- касаба уюшмаси Республика Кенгаши берган бошқа ваколатларни
амалга оширади.

Касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг ҳулосаси қарор
шаклида қабул қилинади.

10.6. Касаба уюшмаси Республика Кенгашининг раиси:

- Устав мақсад ва вазифаларини, Қурултой, Республика Кенгаши, унинг Раёсати қарорларини амалга ошириш бўйича фаолият олиб боради;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар бирлашмалари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, халқаро ташкилотларда касаба уюшмаси номидан иш қўради;
- Раёсат номидан касаба уюшмалари, иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, ижроия ҳокимият, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, ҳорижий касаба уюшмаси ташкилотлари билан келишувларни имзолайди;
- касаба уюшмаси номидан мурожаат ва тавсиялар йўллайди;
- касаба уюшмаси ва унинг органлари номидан юридик ва жисмоний шахслар билан алоқада ишонч қўғозсиз ҳаракат қилади ва мулоқот олиб боради;
- касаба уюшмаси фаолиятининг кечиктириб бўлмайдиган масалаларини тезкор ҳолда ҳал қилади ва кейинчалик бу ҳақида касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатини хабардор қилади;
- мазкур Уставда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида пул маблағлари ва мол-мулкни бошқаради;
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратига умумий раҳбарликни амалга оширади, функционал вазифаларни тасдиқлайди, аппарат ходимлари, ҳудуд бўйича масъул ташкилотчилар билан меҳнат шартномалари тузади ва бекор қилади;
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсати йиғилишини чақиради ва Республика Кенгаши ҳамда Раёсат йиғилишларининг харажатлар сметасини тасдиқлайди;
- Республика Кенгаши ва Раёсатининг аъзоси ҳисобланади ва ушбу органлар мажлисларида раислик қилади;
- касаба уюшмаси Қурултойига, Қурултойлар оралиғида эса касаба уюшмаси Республика Кенгашига ҳисобот беради;
- касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан унга берилган бошқа вазифаларни бажаради;
- раис қарори фармойиш шаклида қабул қилинади.

XI. ХОДИМЛАР ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

11.1. Касаба уюшмаси органларида ишлаётган ходимларни меҳнат муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари ҳамда бошқа локал норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

ХИ. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

12.1. Касаба уюшмаси Устаидаги махсад ва вазибаларни амалга ошириш учун зарур булган ўзига тегишли мулк, шунингдек, маблағларга эгаллик қилади, улардан фойдаланади, белгиланган тартибда сарфлайди. Касаба уюшмасининг маблағларини касаба уюшмаси аъзоларининг кириш ва ҳар ойлик аъзолик бадаллари, ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий ва бошқа ишлар, жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ўтказиш учун юридик, жисмоний шахслар томонидан ўтказиладиган, шунингдек, қонунчиликка зид булмаган бошқа тушумлар ташкил қилади.

Касаба уюшмаси ўз маблағларидан ўз фаолиятларини таъминлашда фойдаланадилар, амалдаги қонунчилик доирасида тасдиқланган бюджетга мувофиқ Устав махсадларига ҳаражат қиладилар.

Қўшимча молиявий маблағ олиш, касаба уюшмаси аъзоларининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиш, шунингдек, қўшимча ишчи ўринлари яратиш махсадида касаба уюшмалари белгиланган тартибда ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятни амалга ошириш, акциядорлик жамиятлари, ўзига тегишли қўшма корхоналарни яратишлари мумкин. Бу фаолиятдан тушган даромад Устав талабларига мувофиқ сарфланади.

Иш берувчилар касаба уюшмаси ташкилотига турли махсадли, маданий-оммавий, спорт тадбирларини ўтказиш учун жамоа шартномасида белгиланган маблағларни ўтказишлари мумкин.

Касаба уюшмаси Устав фаолиятини таъминлаш учун зарур булган қимматбаҳо қозғалар, акция ва бошқа мулклар сотиб олиш ҳуқуқига эга, шунингдек, банкларда қонун асосида пул маблағларини сақлаши мумкин.

Касаба уюшмаси ўзининг мустақил баланси, ҳисоб ва бошқа банк ҳисоб рақамларига эга бўлиши мумкин.

12.2. Касаба уюшмасига ҳар ойги аъзолик бадаллари ходимнинг шахсий ёзма аризасига ёки касаба уюшмаси аъзоси ҳисобда турган бошланғич ташкилотда қабул қилинган жамоа шартномасидаги қелишувга асосан ташкилотнинг ҳисобхонаси орқали нақд пулсиз туланади.

12.3. Касаба уюшмаси аъзоларининг кириш ва ҳар ойлик бадаллари қуйидагича ушлаб қолинади:

- ишловчилардан иш жойида барча турдаги иш ҳақлари, меҳнатга ҳақ тулаш фондига қирувчи қўшимча, муқофотларидан, бироқ бир қонундан кам булмаган миқдорда;

- пенсионерлардан республикада белгиланган энг кам ёшга доир пенсия ва вақтинча ишламайдиганлардан меҳнатга ҳақ тулаш Ягона тариф

сеткаси биринчи разрядининг коэффициентига нисбатан ҳисобланган энг кам иш ҳақининг бир фоизи миқдориди.

3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан банд бўлган аёллар бадал тулашдан озод қилинадилар.

12.4. Йиғилган аъзолик бадалларини тақсимлаш тартиби ва миқдори Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Маблағларни сарф қилиш қасаба уюшмаси органлари томонидан тасдиқланган сметалар асосида амалга оширилади.

12.5. Қасаба уюшмаси, унинг ташкилотларини фаолияти тугатилганда, қасаба уюшмаси аъзоси унинг сафидан чиққанда пул маблағлари ва мулки бўлинмайди ва қайтарилмайди.

XIII. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ТАФТИШ ФАОЛИЯТИ

13.1. Қасаба уюшмасининг тафтиш комиссияси қасаба уюшмасининг тафтиш органи ҳисобланиб, қасаба уюшмаси ташкилотлари Устав талаблари, қасаба уюшмаси Курултойлари қарорларини бажарилиши, молиявий интизомнинг ҳолати, пул маблағлари ҳаражат қилинишининг тўғрилигини, қасаба уюшмаси мулкдан фойдаланиш, қасаба уюшмаси аъзоларининг хат ва мурожаатларини кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади.

13.2. Қасаба уюшмасининг тафтиш комиссияси бевосита Курултойда сайланади ва уни сайлаган органга ҳисобот беради. Курултойлар оралигида зарурат туғилганда тафтиш комиссияси аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш қасаба уюшмаси Республика Кенгаши ва тафтиш комиссиясининг қўшма мажлиси қарори билан амалга оширилади.

13.3. Тафтиш комиссияси қуйи қасаба уюшмаси ташкилотларини тафтиш қилиш ҳуқуқига эга.

13.4. Қасаба уюшмаси тафтиш комиссиясининг фаолияти қасаба уюшмасининг Курултойи томонидан тасдиқланадиган «Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси тафтиш комиссиялари тўғрисида Низом»га асосан амалга оширилади.

XIV. КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТИ

14.1. Қасаба уюшмаси ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

XV. КАСАБА УЮШМАСИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу Уставга касаба уюшмаси Курултойи, Республика Кенгаши Мажлиси (Пленуми) томонидан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

15.2. Касаба уюшмаси Уставига киритилган барча ўзгаришлар, қўшимчалар ва тузатишлар белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилади.

15.3. Барча бўғиндаги касаба уюшмаси ташкилотлари ўз фаолиятларида касаба уюшмаси тузилмавий бўлинмалари учун ягона бўлган мазкур Уставга амал қиладилар.

XVI. КАСАБА УЮШМАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИЛИШИ ВА УНИНГ ТУГАТИЛИШИ

16.1. Касаба уюшмасининг фаолияти касаба уюшмаси Курултойининг қарори билан ҳамда қонунчиликда белгиланган ҳолларда тугатилиши мумкин. Кворум мавжуд бўлган ҳолда, сайланган делегатларнинг 2/3 қисми овоз берса, касаба уюшмаси Курултойининг қарори қабул қилинган, деб ҳисобланади.

16.2. Касаба уюшмасини тугатишда Курултой қонунчиликда белгиланган тартибда тугатиш комиссиясини шакллантиради. Комиссия Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ваколатларга мувофиқ касаба уюшмасини тугатиш тўғрисида эълон беради ва касаба уюшмасини тугатишга алоқадор бўлган барча масалаларнинг ҳал этилишини таъминлайди.

16.3. Касаба уюшмаси фаолияти тугатилганда барча ҳисоб-китоблар, мажбурий тўлов ва кредиторлар талабини қондиргандан кейин қолган мулкни ушбу Уставда кўрсатилган мақсадларга йўналтирилади.

16.4. Қонунчиликка асосан касаба уюшмасини қайта ташкил этиш Курултой қарорига кўра бўлиниш, бирлашиш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

16.5. Касаба уюшмаси тугатилган ҳолда унинг ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат архиви ташкилотларига сақлаш учун топширилади.